



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 10 » avgust

№ 443

Toshkent sh.

“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дараҳтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дараҳтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармони билан кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган шахсларни Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш амалиёти жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мамлакатимизда экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш, табиатни асрар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритган, шунингдек, соҳага оид илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони таъсис этилсин.

3. Қуйидагилар:

“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси буюртмасига асосан “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

5. “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

кўкрак нишонини ҳар йили 5 июнь – Бутунжоҳон атроф мухит куни арафасида тантанали равишда бериб борилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Н. Обломурадов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил «10» августдаги
443-сон қарорига 1-илова

“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан мамлакатимизда экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш, табиатни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритган, шунингдек, соҳага оид илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун хужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш

4. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодлар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига (кейинги ўринларда – Кўмита) ҳар йили 1 майга қадар тақдим этади.

5. Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларга номзод ҳақида қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

номзоднинг маълумотномаси (объективка);

номзоднинг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси (фуқаролик паспорти ёки ID-карта);

номзоднинг сўнгги уч йил давомида экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш, табиатни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги фаолияти, шунингдек, яшил майдонларни кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида кўрсатган ташабbusлари акс эттирилган тавсифнома.

6. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун Кўмита раиси томонидан экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган 5 кишидан иборат таркибда комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этилади.

7. Комиссия таркиби ва Комиссия тўғрисидаги низом Кўмита раиси томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига Кўмитанинг Жамоатчилик маслаҳат кенгаши, экология соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари киритилиши мумкин.

8. Комиссия йиғилишида номзодлар тегишли ҳужжатлари ўрганилиб, ушбу Низомга 2-иловада белгиланган мезонларга мувофиқ баҳоланади ва ҳар йили 15 майга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби

9. Комиссия хулосаси асосида Кўмита раисининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 1 июнга қадар чиқарилади.

10. Кўкрак нишони ҳар йили 5 июнь – Бутунжаҳон атроф мухит куни арафасида Кўмита раиси (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади.

11. Кўкрак нишони билан тақдирлаш, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

12. Кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

13. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Кўмитанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

14. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

15. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

16. Кўмита ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Табиат ҳимоячиси” кўқрак нишони
тўғрисидаги низомга
1-илова

**“Табиат ҳимоячиси” кўқрак нишони билан тақдирлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар	Кўқрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига тақдим этади.	Ҳар йили 1 майга қадар
2-босқич	Кўқрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия	Кўқрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодлар ҳақидаги тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва якуний хулоса қабул қиласди.	Ҳар йили 15 майга қадар
3-босқич	Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Кўқрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг буйругини чиқаради.	Ҳар йили 1 июнга қадар
4-босқич	Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар)	“Табиат ҳимоячиси” кўқрак нишони билан тақдирлайди.	Ҳар йили 5 июнь – Бутунжаҳон атроф мухит куни арафасида

“Табиат ҳимоячиси” күкрак нишони
түғрисидаги низомга
2-илова

“Табиат ҳимоячиси” күкрак нишонига
тавсия этилаётган номзодларни баҳолаш бўйича
МЕЗОНЛАР

T/р	Баҳолаш йўналиши	Баҳолаш мезонлари	Балл тизими
1.	Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, асраш ва атроф муҳиттга таъсир этувчи омилларни камайтириш йўналишида	Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш борасидаги ташаббуси.	1 баллдан 5 баллгача
		Ер, ер ости бойликлари, сув, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги самарали фаолияти.	1 баллдан 5 баллгача
		Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ёввойи ўсимлик ва ҳайвонларни кўпайтириш ва сақлаш борасидаги фаолияти натижалари.	1 баллдан 5 баллгача
		Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, табиий обьектлар ва мажмуналарни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турларини сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш жараёнидаги фаол иштироки.	1 баллдан 5 баллгача
		Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни самарали ташкил этиш, муаммоларни ҳал этиш борасидаги таклифлари ҳамда уларни амалиётта жорий этиш бўйича ташаббуси.	1 баллдан 5 баллгача
2.	Худудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларидаги фаол иштироки	Дараҳт ва буталарни экиш, парваришлаш, сақлаш ва муҳофаза қилиш орқали она табиатни асраш ва ривожлантиришга қўшган хиссаси.	5 балл (ҳар 50 та дараҳт учун)
		Дараҳт ва буталарни маҳаллийлаштириш, уларнинг янги навларини яратиш ва этиштириш борасидаги самарали фаолияти.	1 баллдан 5 баллгача
		Оғир иқлим шароитларида, чўл ва даштларда ҳамда бошқа ҳудудларда яшил майдонларни (дараҳт ва бутазорлар) барпо этиш борасида эришган ижобий натижалари.	5 балл (1 гектар учун)
		Дараҳт ва буталарни парваришлашда сувни тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда сугориш ишларини ташкил этганлиги.	5 балл (1 гектар учун)

3.	Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолияти ривожига муносиб ҳисса кўшганлиги	Соҳага оид инновацион ғоялар, илғор тажриба ва илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиши.	1 баллдан 5 баллгача
		Экологик назорат ва мониторинг ишларини ташкил этишдаги фаол иштироки.	5 балл
		Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ёки турдош соҳаларда узоқ муддат самарали фаолият олиб борганлиги.	5 балл
		Аҳолининг экологик тарбияси ва экологик маданиятини шакллантиришга кўшган ҳиссаси	5 балл
		Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилишга оид жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ишлари	1 баллдан 5 баллгача
		Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасига оид норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишидаги фаол иштироки.	1 баллдан 5 баллгача
4.	Экологик таълим, тарғибот ва илм-фан йўналиши	Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, мутахассисларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишдаги фаолияти.	1 баллдан 5 баллгача
		Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш йўналишида илмий-тадқиқот ишлари ва уларнинг натижасини амалётга жорий этиши	1 баллдан 5 баллгача
		Экологик инновацион янги ғоялар ва ташаббусларни жорий этиши.	1 баллдан 5 баллгача
		Экологик маданиятни юксалтириш, тарғибот ва ташвиқот тадбирларидаги фаол иштироки.	1 баллдан 5 баллгача
5.	Тизим раҳбарияти томонидан эътирофи	Фахрий ёрлик, диплом ёки сертификатлар ва бошқа мукофотлар билан тақдирланганлиги.	1 баллдан 5 баллгача

Изоҳ. Номзодларнинг эришиган натижалари бўйича қўйилган баллари жамланаб, энг юқори кўрсаткични қайд этганлар кўкрак низомнинг номзод сифатида тавсия этилади.

Вазирлар Махкамасининг
2022 йил «10 августдаги
443-сон қарорига 2-илова

“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказий қисмида куёш нури фонида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг эмблемаси жойлаштирилган.

Кўкрак нишони айланаси зарҳал ҳошияли оқ эмаль фонидаги доира билан ўралган. Айлананинг юқори қисмида ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр бўлган “ТАБИАТ НИМОУЯЧИСИ” сўzlари ёзилган. Унинг пастки икки чети бўйлаб фаҳр-ифтихор ва шараф маъноларини ифода этувчи дафна япроқлари жойлаштирилган. Япроқлар яшил рангда.

Кўкрак нишонининг пастки қисми марказида дафна япроқлари ўртасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвиранган ҳамда унда “O’ZBEKISTON” сўзи ёзилган.

Кўкрак нишонининг орқа томони марказида икки қаторда ҳарфларнинг баландлиги 4 миллиметр бўлган “YASHIL MAKON YARATUVCHISI” сўzlари ёзилган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр. Тасвиirlар ва ёзувлар қабариқдир. Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари қавариқ доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган. Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 17 миллиметрдан иборат.

Қадағич эни 22 миллиметрли тўқ яшил рангдаги шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг ўртасидан эни 0,5 миллиметрли иккита оч яшил рангли йўл вертикал ҳолатда ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.



Вазирлар Махкамасининг
2022 йил “10” август даги
443-сон қарорига 3-илова

“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қофоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташки томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) яшил рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, тўғри тўртбурчак шаклида бўлган тўқ яшил рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “ТАБИАТ НИМОЙАЧИСИ” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), иккинчи сатрда “ко‘krak nishoni” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 7 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар тўқ яшил рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) оч яшил рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда, “GUVOHNOMA №” сўзи (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) ва 16 миллиметрли чизиқ жойлашган.

Ундан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 9 миллиметрли учта чизиқ тортилган.

Пастки чизиқдан 8 миллиметр қўйида, марказда, оралиғи 3 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘zbekiston Respublikasi”, иккинчи сатрда “Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza”, учинчи сатрда “qilish davlat qo‘mitasi raisining” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 7 миллиметр пастда оралиғи 5 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20__ yil t «__» _____ dagi”, иккинчи сатрда “__-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “ТАБИАТ НИМОЙАЧИСИ” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 12 кегль), иккинчи сатрда “ко‘krak nishoni bilan”, учинчи сатрда “mukofotlandi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 10 миллиметр пастда, чап томонда, “Qo‘mita raisi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

«Табиат ҳимоячиси» кўкрак нишони гувоҳномаси

**“TABIAT HIMOYACHISI”
ko‘krak nishoni**

GUVOHNOMASI



GUVOHNOMA № _____

(familiyasi)

(ismi)

(otasining ismi)

O‘zbekiston Respublikasi
Ekologiya va atrof - muhitni muhofaza
qilish davlat qo‘mitasi raisining

20 ____ yil “____” _____ dagi
_____ - sonli buyrug‘iga asosan

**“TABIAT HIMOYACHISI”
ko‘krak nishoni bilan
mukofotlandi**

Qo‘mita raisi

M 1:1



34 mm

M 3:1

